



CONTROVERSY OVER THE RU'YATULLAH ISSUE

Saidmuhammadkhan Muhibullaev

Intentional base doctorate, Lecturer

International Islamic Academy of Uzbekistan

Khoja Bukhari secondary special Islamic Educational Institution

Uzbekistan

ABOUT ARTICLE

Key words: Aqidah, mutazila, seeing God, Ahl al-sunna, Hadith, Koran, Abu Hanifa, scientific proof, unselfish vision, heresy, commentary, fikh.

Received: 20.12.24

Accepted: 22.12.24

Published: 24.12.24

Abstract: This article discusses the scholarly view that Alloh taolo can be seen from paragraph when challenging the mutazila faction's Creed and presenting the Ahl al-sunna wa-l-Jama'a Creed, especially when it comes to seeing God. In the quote, Imam Abu Hanifa (r.a.)'s approach in the science of the creed, and based on the open and compelling evidence in the Koran and Hadith, are cited as evidence of the reality of seeing God. Within the framework of the topic, these issues, rejected by mutazila and other heresy factions, are stated in order to refute their erroneous comments. In this it is explained that God's doctrine of vision must be remote, dishonest and jihad-free between him and his servant. The article is supported by scientific evidence and muskilot, including examples from the Hadiths and the Quran.

РУЪЯТУЛЛОҲ МАСАЛАСИ БОРАСИДАГИ БАҲСЛАР

Саидмуҳаммадхон Муҳибуллаев

мақсадли таянч докторант, ўқитувчи

Ўзбекистон халқаро ислом академияси

Ҳожа Бухорий ўрта махсус ислом таълим муассасаси

Ўзбекистон

МАҚОЛА ҲАҚИДА

Калит сўзлар: Ақидаҳ, мутазила, Аллоҳни кўриш, Аҳл ал-Сунна, ҳадис, Куръон, Абу Ҳанифа, илмий далил, ташбеҳсиз кўриш, бидъат, Шарҳ, фикҳ.

Аннотация: Ушбу мақола, мутазила фирқасининг ақидавий нуқтаи назарига қарши чиқиш ва Аҳл ал-Сунна ва-л-Жамаъа ақидасини тақдим этишда, айниқса, Аллоҳни кўриш масаласида Аллоҳ

таолонинг бандидан кўриш мумкинлиги ҳақидаги илмий фикрларни муҳокама қилади. Иқтибосда, имом Абу Ҳанифа (р.а.)нинг ақида илмидаги ёндашуви ва Қуръон ҳамда Ҳадислардаги очиқ ва қатъий далилларга асосланиб, Аллоҳни кўришнинг ҳақиқатлигини тасдиқловчи маълумотлар келтирилган. Мавзу доирасида, мутазила ва бошқа бидъат фирқалари томонидан рад этилган бу масалалар, уларнинг нотўғри изоҳларини рад этиш учун баён қилинади. Бунда Аллоҳ таолонинг кўриш ҳақидаги таълимотини, у билан бандўртасида масофасиз, ташбеҳсиз ва жиҳациз бўлиши кераклиги тушунтирилган. Мақола илмий далиллар ва мушкilotлар билан тасдиқланган, шу жумладан ҳадислар ва Қуръондан мисоллар келтирилган.

РАЗНОГЛАСИЯ ПО ПОВОДУ ВОПРОСА О РУЪЯТУЛЛОХ

Саидмухаммадхон Муҳибуллаев

докторант по целевой базе, Преподаватель

Международная исламская академия Узбекистана

среднего специального исламского учебного заведения имени Ходжи Бухари

Узбекистан

О СТАТЬЕ

Ключевые слова: Ақида, мутазила, видение Бога, Ахль ас-сунна, Хадис, Коран, Абу Ханифа, научное доказательство, бескорыстное видение, ересь, комментарий, фикх.

Аннотация: В этой статье обсуждается точка зрения ученых о том, что Аллах таоло можно увидеть из параграф, когда он бросает вызов вероучению фракции мутазилитов и представляет вероучение Ахль ас-сунна валь-Джамаа, особенно когда речь заходит о видении Бога. В этой цитате приводится научный подход имама Абу Ханифы (да будет доволен им Аллах) к вероучению, основанный на открытых и убедительных доказательствах, содержащихся в Коране и хадисах, в качестве доказательства реальности видения Бога. В рамках темы эти вопросы, отвергнутые мутазилистами и другими еретическими группировками, излагаются для того, чтобы опровергнуть их ошибочные комментарии. В этой статье объясняется, что учение Бога о видении должно быть отдаленным, нечестным и не допускать джихада между ним и его слугой. Статья подкреплена научными доказательствами и “маскилотом”, включая примеры из хадисов и Корана.

КИРИШ

Ақида илмида адашган тоифалар жуда кўп бўлиб, шуларда бири мўтазила тофасидир. Улар кўп жиҳатдан аҳли сунна вал жамоага қарама-қарши келади. Ана шу зид келган масалаларидан бири Аллоҳ таолонинг жамолни кўриш ишидир. Улар ақлга суяниб бунинкор қиладилар. Зеро, Қуръони каримнинг ўзида очиқ-ойдин лафзлар ва ҳадиси шарифларда ёрқин тафсири борлига қарамай балки уларни бошқача таъвил қиладилар. Қуйида шулар ҳақида ҳанафий мазҳаби имоми ва ақида илмида энг аввал асар ёзган зот Абу Ҳанифа роҳимаҳуллоҳнинг сўзларини келтиришдан бошлаймиз.

АСОСИЙ ҚИСМ

Имом Аъзам роҳимаҳуллоҳ ўзларининг “ал-Васия” ва “ал-Фикҳу-л-акбар” асарларида қуйидагича келтирганлар[1]:

Жаннат аҳллари Аллоҳ таолога ҳеч бир кайфиятсиз, ташбеҳсиз ва жиҳатсиз йўлиқишлари ҳақдир. Мўминлар Аллоҳ таолони жаннатда бўлган ҳолларида ўз кўзлари билан кўрадилар. У Зот билан халқининг орасида ҳеч қандай масофа бўлмайди. Қози Ансорий ва Балҳий Ҳаскафийларнинг ривоятида: менга Исмоил ибн Абу Ҳолид Қайс ибн Абу Ҳозим Бажалийдан, у эса Жарир ибн Абдуллоҳ розияллоҳу анҳудан, у эса Набий соллаллоҳу алайҳи васалламдан ҳадис айтиб берди: Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: “Тез орада сизлар Роббингизни бадр кечасидаги мана бу тўлин ойни кўрганингиздек бир-бирингизга халақит бермаган ҳолингизда кўрасизлар”-дедилар.

Абу Ҳанифа (р.а) “ал-Васият” ва “ал-Фикҳу-л-акбар” да айтадилар: Аллоҳ таолога йўлиқиш, яъни Аллоҳ таолонинг Жаннат аҳлларига уларнинг жаннатдаги икромларини зиёда қилиш мақсадида кўринишлиги ҳақдир, яъни оятларнинг баёни ва машҳур ривоятлардан иборат қатъий далиллар ила собитдир. Ушбу кўриш – ҳеч бир кайфиятсиз, яъни жисм ва аразларга қарашда эътибор қилинадиган кайфиятлардан ҳоли бўлган ва махлуқотларидан бирор нарсага ўхшамаган ҳамда У Зотга бирор жиҳат (томон)ни нисбат бермаган ҳолда бўлади[2].

Бу ўринда бир неча ишоралар бор:

1. Аллоҳ таолонинг ўз бандаларига жаннатда ҳеч қандай ташбеҳсиз кўринишлиги. Ушбу иш Аллоҳ таоло кўзга ҳеч бир ҳолатсиз, йўлиқмасдан, йўзма-йўз келмасдан ва рўпарама рўпара бўлмасдан тўриб ҳам кўра олиш қобилитини яратиб бергандан сўнг бўлади.

2. Кўришнинг имкони борлиги ва уни оятлар ва машҳур ҳадислар билан собит бўлгани ва далил келтириш керак бўлган ўринда унга ҳақ билан ишора қилинганлиги[3].

Далиллардан: Аллоҳ таолонинг Мусо алайҳиссалом ҳақларида ҳикоя қилиб келтирган ушбу ояти:

У: “Роббим, менга (жамолингни) кўрсатгин, Сенга назар солай”, - деди. У зот: **“Мени ҳеч кўра олмассан. Лекин тоққа назар сол, агар у маконида собит тура олса, бас, Мени кўрасан”**[4], (Аъроф сураси 143), деган.

Ҳамда жаннатга кирган мўминларнинг ҳолати ҳақидаги ушбу оятда Аллоҳ таоло:

“У кунда чиройли юзлар бор. Уз Роббисига назар солувчилар”[5], (Қиёмат сураси 22-23), деган.

Бундан ташқари жаннатий мўминларга жаннат неъматидан ортиқ инъом борлиги ҳақидаги ушбу оятда:

“Гўзал амал қилганлар учун гўзал савоб ва зийодалик бордир”[6], (Юнус сураси 26), деб марҳамат қилган.

Абу Бакр Сиддиқ розияллоху анху Набий соллаллоху алайҳи васалламдан ривоят қиладилар: Набий соллаллоху алайҳи васаллам: **“Гузл савоб – Жаннатдир, Зиёдалик эса – Аллоҳ таолонинг Юзига назар солишдир”**, -дедилар[7].

Абдуллоҳ ибн Амр розияллоху анхумодан ривоят қилинади: Набий соллаллоху алайҳи васаллам: **“ Жаннат аҳллариининг Аллоҳ таолога энг ҳурматлироқлари – У зотнинг Юзига эртаю-кеч назар солиб турадиганларидир”** – дедиларда сўнгра:

“У кунда чиройли юзлар бор. Уз Роббисига назар солувчилар”, деган Аллоҳнинг каломини ўқидилар.

3. Бу матнда турли-хил бидъатчи фирқаларга раддия бериш. Хусусан, мушаббихалар, карромийлар (жиҳатсиз ва маконсиз кўришни инкор қилувчилар), мўътазилалар ва нажжорийлар ҳамда мутлақо кўришни нафий қилувчи хаворжларга раддия бор.

Улар учун тўлиқ илмий очилиш мумкинлиги борасида, бизлар учун эса сувратнинг тасвирланишини ёки бир нурни етиб келиши ёки шуни келтириб чиқарадиган ҳолатларнинг ман қилинганлиги борасида низо йўқ.

Балки низо шундаки, агарда биз тўлин ойга назар солсак, кўзни юмган пайтимиздаги ҳолатда содир бўлмайдиган, биз уни кўриш деб номлайдиган идрокий бир ҳолат вужудга келади. Ушбу ҳолат бизга тўлин ойнинг очилиши намоён бўлганда содир бўлади[8]. Энди, мана шу ҳолат бандаларга Аллоҳ таолога нисбатан ҳам содир бўладими[9]? Ваҳоланки бу ерда муқобил келиш бўлмаяпти-ку!

Бунга Пайғамбар (с.а.в) ўзларининг **“Мўминлар Аллоҳ таолони жаннатда бўлган ҳолларида кўрадилар”**- деган сўзлари билан ишора қилдилар. Ушбу кўриш фақатгина басира(қалбан идрок этиш) билан эмас, балки жаннатда тиқилиб қолиш ва низо бўлмагани учун бандалар бошларидаги кўзлари билан ҳам кўриш амалга ошади.

4. Кайфият ва жиҳатни нафий қилишдан мақсад, жаннатдаги ўша соф ҳиссиёт билан бўлган кўришни, одатда жисм ва аразларга қараганда эътиборга олинадиган кайфият ва шартлардан ҳоли қилиш эканлиги. Ушбу ҳолат баъзи бир жаҳолат арбобларининг тушунчасига кўра, кўриш, кўрувчи ҳамда кўриладиган ўринни жамийки ҳолат ва сифатлардан ҳоли қилиш маъносида эмас, аксинча муқобилдан кўринадиган ўринни яқиндагини яқинлашишидан ва узоқдагини узоқлашишидан ҳамда бирор латифлик ва пардадан ҳоли бўлган кўринишда эканлигидир. Чунки улар(жаҳолат арбоблари): “Кўришлик – банданинг феълларидан бир феъл ёки унинг касбларидан бир касбдир. Шунинг учун ҳам кўрувчининг қайси бир сифатга тушиши зарурий ишлардан. Кўз ҳиссиёти билан кўриладиган ўрин учун эса бирор ҳолат ёки кайфиятлардан бирортаси бўлиши лозим”, деб этироз билдирадилар. Яъни кўриладиган нарсалар бирор ҳолат ёки бирор кайфиятда бўлиши керак, шунинг учун Аллоҳни кўриб бўлмайди дейдилар.

Имом Аъзам (а.а) бунга етарли даражада қуйидаги сзлари билан ишора қилиб жавоб қайтардилар: **“У Зот билан халқининг орасида масофа бўлмайди”**. Яъни, на яқинлик, на узоқлик, на бирор парда ва на бирор қарама қаршилиқ бўлади. Зеро, ушбу шартлар кўриб хулоса қилиш билан бўлади. Охираат иши дунё иши билан қиёсланмайди.

Йўлиқишни Аллоҳ таолога изофа қилиш ва ундан кейинги нарсаларни баёноти билан, Аллоҳ таолони кўришдан мурод, У зотнинг Ўзига хос ҳолатда бандаларига кўриниши эканлигига ишора қилдилар.

Кўриниш кўрилмишга муносиб бўлиши зарур. Демак, кўрилмиш томон ва тараф билан хосланган бўлса, кўриш ҳам худди шу каби бўлиши даркор. Агар кўрилмиш томон ва тарафдан муназзах бўлса, унинг намоён бўлиши, томон ҳамда тарафлардан ҳоли бўлиши зарурлиги келиб чиқади[10].

Ушбу қараш ва биринчи оят Аллоҳ таолони кўриш мумкин эканлигига далолат қилмоқда.

Ўша оятда Мусо (а.с) Аллоҳ таолони кўришни ақлдан озмаган ва билимсиз бўлмаган ҳолларида талаб қилдилар. Аллоҳ таоло Ўзини кўринишини тоғнинг барқарор тўришига боғлади. Бу эса кўриш аслида мумкин эканидан бўлади. Тоғ барқарор турмади, демак кўриш ҳам мумкин эмас дейилмайди.

“النظر” гоҳида “الانتظار”, “إلى” эса неъмат маъносидаги исм бўлиши мумкин деб айтилмайди. Назар солиш кўриш у билан сифатланмайдиган нарсалар билан ҳам сифатланиши мумкин. Масалан, эътибор қаратиш, зиёрат қилиш ва ҳоказо.

Аллоҳ таолони кўришга далолат қилувчи машҳур ҳадислардан бирини айтиб ўтдилар:

Қози Ансорий ва Балҳий Ҳаскафийларнинг ривоятида: менга Исмоил ибн Абу Холид Қайс ибн Абу Ҳозим Бажалийдан, у эса Жарир ибн Абдуллоҳ розияллоху анхудан, у эса

Набий соллаллоҳу алайҳи васалламдан ҳадис айтиб берди: Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: **“Тез орада сизлар Роббингизни бадр кечасидаги мана бу тўлин ойни кўрганингиздек бир-бирингизга халақит бермаган ҳолингизда кўрасизлар”**-дедилар.

Яъни, баъзиларингиз баъзиларингизга У зот таолони кўриш чоғингизда торлик ва машаққат келтирмайсизлар. Ҳеч бирингиз бошқа шеригига халақит беролмайди. Ҳар бирингиз ўзи истаганидек кўради[11].

Ушбу Ҳадис машҳур ҳадислардан саналади. Йигирма еттита саҳобийлар иштирок этган микдорда ривоят қилинган.

Улар мўминлар амири 1) Абу Бакр Сиддик, 2) Али, 3) Абдуллоҳ ибн Умар, 4) Ибн Масъуд, 5) Ибн Аббос, 6) Убай ибн Каъб, 7) Муоз ибн Жабал, 8) Зайд ибн Собит, 9) Жарир ибн Абдуллоҳ, 10) Абу Саъид Худрий, 11) Абу Хурайра, 12) Абу Мусо Ашъарий, 13) Абу Розин Лақит Уқойлий, 14) Жунода ибн Аби Умайя, 15) Анас ибн Молик, 16) Суҳайб ибн Саннан, 17) Аммор ибн Ёсир, 18) Хузайфа ибн Ямоний, 19) Абу Умома Боҳлий, 20) Абу Бурайда, 21) Савбон, 22) Абдуллоҳ ибн Ҳорис Зубайдий, 23) Убода ибн Сомит, 24) Фузола ибн Убайд, 25) Бурайда, 26) Аммора ибн Рувайба Сақафий ва 27) Адий ибн Ҳатим Тоий Аллоҳ улардан рози бўлсинлар Аллоҳни жаннатда мўминларни кўриши мумкин экани борасидаги юқоридаги ҳадисни ривоят қилишган. Мана шу саҳобалардан эса олтимшдан ортиқ туруқ билан егирма саккизта шайх ривоят қилган. Кўриниб турибдики, ҳадис нақадар кучли ва саҳиҳ бўлиб, буни фақат ақлсиз кишигина рад этади холос[12].

Бу масалада бидъатчиларни мулзам қилишнинг энг осон йўли самъий далилларни ушлаш сўнгра ақлий далиллар билан уларнинг шубҳаларига қарши чиқиш энг тўғри йўл бўлгач (худди Абу Мансур Мотуридий зикр қилган ва ашъарийларнинг муҳаққиқлари ихтиёр қилганидек), Имом Абу Ҳанифа мақсадни баён қилишда самъий далиллар билан собит бўлган нарсага ишора қилдилар. Бидъатчилар кўриш иши учун кўрувчи ва кўрилмиш орасида яқинлик ёки рўпара бўлиш ва ҳақозлар шарт бўлиш керак деб икки қарашни ушлаб оладилар:

- Агар Аллоҳ таоло кўриладиган бўлса, муқобил бўлиш зарурати юзага келади, бу эса кўрувчи тарафидан бир тарафда жавҳар ёки бирор масофда араз бўлиши ёки кўрувчи билан муттасил бўлишдегани бўлади.

- Кўриш икки нарсдан бири кўзнинг нури кўрилмиш билан боғланиши ёки кўрилмиш тарафидан бўлган шарпа кўрувчининг кўз қорачиғига таассурот қолдиради. Бу икки кўриниш ҳам Борий таоло ҳақида мумкин эмаслиги аниқ бўлгач, У Зотни кўриш ҳам мумкин бўлмайди, деб айтадилар.

Абу Ҳанифа бу икки қарашга қарши жавобан “ал-Фикҳу-л-акбар” шундай дейдилар:

“Аллоҳ таолонинг яқинлик ва узоқлиги масофани яқин ёки узоқлиги йўлига кўра бўлмайди. Лекин, икром маъносига кўра бўлади. Итоаткор банда Аллоҳ таолога кайфиятсиз яқиндир, осий эса Ундан кайфиятсиз узоқдир. Яқинлик ва иқбол (Аллоҳга ёлвориб) муножот қилувчига воқе бўлади, шунингдек, Аллоҳ таолонинг жаннатда қўшни бўлиши ва У Зотнинг ҳузурида туриш ҳамда охиратда Аллоҳни кўриш кайфиятсиздир[13]”.

Баъзий ушбу матнни изоҳлаб шундай дейдилар: **“Аллоҳ таолонинг яқинлик ва узоқлиги масофани яқин ёки узоқлиги йўлига кўра бўлмайди”.** Яъни, бандаларга Аллоҳнинг яқинлиги масофа жиҳатдан эмас. Аллоҳ таоло: **“Агар бандаларим сендан Мени сўрасалар, Мен, албатта, яқинман”[14]**, (Бақара сураси 186) деган оятдаги **“яқинман”**, дегандан мақсад масофа жиҳатдан деб тушунмаслик керак. Аллоҳнинг ушбу оятдаги: **“Огоҳ бўлинким, Худ қавми Од узоқ бўлсин (йўқолсин)!”**, кофирлардан узоқлик деганидан мақсад ҳам масофа жиҳатдан эмас, балки раҳматидан узоқ деганидир. Узоқлик ёки яқинликни масофа жиҳатдан дейилса, Аллоҳ таолога бир тараф ёки қайсидир тарафдан келиш ва олти тарафни нисбат бериш бўлиб қолади, Аллоҳ таоло эса буларнинг барчасидан пок ва буюк Зотдир. Лекин Аллоҳнинг мўминларга яқинлиги икром ва рамат қилиш маъносида, кофирдан узоқлиги эса улардан икром ва раҳматини узоқлиги ҳамда уларни ўз ҳолига тишлаб қўйишида деб ҳисобланади[15].

Аллоҳга итоаткор банда Унга итоати сабаб қурбат ҳосил қилади, бунга далил Аллоҳ таолонинг: **“Сажда қил ва қурбат (яқинлик) ҳосил қил[16]”**, (Алақ сураси 19) деган оятидир. Бу ердаги яқинлик ҳам жисм ва аразларда бўладиган яқинлик эмас, балки унинг кайфияти номаълумдир.

Осий банда Аллоҳдан узоқдир, яъни аброрлар даражасидан тушиш билан кайфиятсиз узоқ саналади. Узоқлик кайфияти мажхул. Демак, Аллоҳга яқинлик деганда ҳақиқий тана билан яқинлик ёки узоқлик тушунилмайди, Аллоҳни жаннатда кўриш масаласи каби.

- Аллоҳ таолони кўриш саҳиҳ бўлса, бу кўриш жаннатда доимий бўлади, балки дунё ва охиратда ҳам бўлиши мумкин. Чунки, Аллоҳни кўриш инсонни ҳиссий аъзози орқали бўлиши каби ақлбовар қиладиган шарт рўёбга чиққан, агар кўриш мумкин бўлмаса, Аллоҳ таоло (киноя тарзида айтилмоқда) кўришни яратмагани эди ёки кўришга хос бир шарт (ҳиссий аъзо) йўқ бўлгани учун, биз ўз олдимиздаги бир котта тоғ ёки бир тубсиз денгизни кўра олмаслигимиз керак эди, бу эса ботиллиги аниқ бўлган нарсадир[17]. Бу сўзнинг жавобига **“Яқинлик ва иқбол (Аллоҳга ёлвориб) муножот қилувчига (муножот қилган ҳолида) воқе бўлади, шунингдек, Аллоҳ таолонинг жаннатда қўшни бўлиши (яқинлик мақомида) ва У Зотнинг ҳузурида (ҳисоб-китоб мақомида) туриш ҳамда охиратда Аллоҳни кўриш (барчаси) кайфиятсиз бўлади”.** На бир муқобил ҳолатда, на

бир тарафни ифода қилган ҳолда бўлади, барчаси кайфиятсиз ҳолда содир бўлади, бу ҳолат биз бандаларга номаълум ҳисобланади. Буларни ўзимизнинг ҳолимизга кўра тушунмаймиз, балки Аллоҳга топширамиз. Яқинлик ёки келиш-кетишда масофа керакда деб, бирор тарафни нисбат бермаймиз, чунки тараф ва жиҳатлар нуқсон аломати бўлиб, махлуқларга хосдир.

Бу айтилган ишлар барча ҳолатларда давом этмайди, бу Аллоҳ таоло ҳоҳлаган бандасида ҳоҳлаган пайтда яратадиган идрок қилишнинг бир тури бўлиб, буни жаннатда бандаларга уларга икром этиб яратади, уни дунёда яратмайди. Чунки, Яратувчи Аллоҳни кўриш кўздаги кучли идрок билан шарт қилинган бўлиб, бу кучли идрок жаннатда ҳар доим ҳам балки, баъзи вақтларда яратилади. Бунга **“Охиратда”**, деган сўз билан ишора қилдилар. Бу дегани кўз олдимиздаги катта тоғ ва тубсиз денгизга шундай кучли кўз идроки керак деган нарсани келтириб чиқармайди. Чунки, кўриш зарурий нарсдан саналиб, ҳар доим кўрса бўлади. Демак, жаннатдаги юқоридаги ҳолатлар ҳар доим ҳам содир бўлавермайди, қачон Аллоҳ таоло Ўзини кўриш учун кучли қувват ато этади ушанда бўлади, яъни ҳар қачон кўриш керак бўлса ёки яқинлик ҳамда иқбол қилиш керак бўлса, шунга яраша қувват ато қилади, бу нарса бардавом турмайди[18].

ХУЛОСА

Хулоса қиладиган бўлсак, Аллоҳ таолони кўриш ҳоҳ бу дунёда тушда бўлсин ёки охиратда уйғоқликда бўлсин мумкин бўлган ишлардан саналади. Айниқса, охират куни жаннатда мўминларни Аллоҳ таолонинг жамолига термулишлари ҳақ ва аниқ нарса эканига барча ақлий ва нақлий далиллар ишора қилиб турибди. Чунки, бир оятда Аллоҳ таоло: **“Гўзал амал қилганлар учун гўзал савоб ва зиёдалик бордир”**[19], (Юнус сураси 26) деган. Бу ердаги **“гўзал савоб”**дан мақсад жаннат бўлса, **“зиёдалик бордир”**дан мақсад эса машҳур ҳадисга кўра Аллоҳнинг жамолига назар солишдир. Яна бошқа ояти каримасида: **“У ерда (жаннатда) кўнгил иштаҳа қиладиган ва кўзлар лаззатланадиган нарсалар бордир”**[20], (Зухруф сураси 71) деган. Кўзларни қувонтирувчи бу Аллоҳнинг жамолини кўришдан ортиқ бўлмайди. Шуненгдек, кўнгил иштаҳа қиладиган нарса бўлгач, агар кўнгил Аллоҳнинг жамолини кўришни иштаҳа қиласа-ю, истаги қонмаса, унда Аллоҳнинг ваъдаси рўёбга чиқмаган ва мўминларга кўнгилсиз ва ҳафалик юзага келиб қолади, бу эса бўлмаган ишлардан саналади.

Хуллас барча тараф рўъятуллоҳни ҳақ эканига олиб бормокда, уни инкор қилувчиларнинг ўзлари бу неъматдан маҳрум бўлсалар ажабмас.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Баёзий Камолиддин. Ишорату-л-маром. –Лубнон: “Дору-л кутубу-л-илмия”, - 2007. – Б. 169. (бундан кейин Ишорат.).

2. Ишорат. – Б. 170.
3. Ишорат. – Б. 172.
4. Тафсири Ҳилол. Ж 2. – Б. 340..
5. Тафсири Ҳилол. Ж 6. 490.
6. Тафсири Ҳилол. Ж 2. 434.
7. Ишорат. – Б. 172.
8. Ишорат. – Б. 173.
9. Аллома Муҳаммад Шариф Журжоний. Китабу-т-Таърифот. – Байрут Лубнон: “Дорун нафоис”, 2012. Ж 1. 355.
10. Ишорат. – Б. 174.
11. Ишорат.– Б. 174.
12. Ишорат.– Б. 174-175.
13. Ишорат.– Б. 175.
14. Тафсири Ҳилол. Ж 1. – Б. 177.
15. Ишорат. – Б. 176.
16. Тафсири Ҳилол. Ж 6. – Б. 545.
17. Ишорат.– Б. 176.
18. Ишорат. – Б. 176-177.
19. Тафсири Ҳилол. Ж 2. – Б. 190.
20. Тафсири Ҳилол. Ж 5. – Б. 400.